*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2011 йил
16 ноябрь
ЧОРШАНБА

№ 90
(12.414)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

8 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

## ЁШЛАР ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНМОҚДА

*Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.*

**(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 37-модда).**

**Мамлакатимизда аҳоли ўртасида бандлик даражасини ошириш, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларни иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги изчил саъй-ҳаракатлар – қабул қилинган қонунлар, фармон ва қарорлар ўз самараларини бермоқда.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 6 апрелда қабул қилинган "Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан Тошкент вилоятида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси ва унинг туман ва шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан ўтказилаётган меҳнат ярмаркалари аҳолини иш билан таъминлаш ва касбга йўналтиришда муҳим омил бўлмоқда.

– Жорий йилнинг ўтган даврида туман ва шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан 90 маротоба меҳнат ярмаркаси ўтказилди, – дейди вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи Шароф Каримов. – Мазкур ярмаркаларда тўрт мингга яқин корхона ва ташкилот ўттиз мингдан зиёд бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Жалб қилинган фуқароларнинг 15 минг нафардан ортиғи иш билан таъминланди.

Ярмаркаларда хотин-қизлар ва ёшларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маълумотларга кўра, ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркаларида иштирок этганларнинг ўн етти минг нафарини ёшлар, ўн икки мингини хотин-қизлар ташкил этган.

– Марказимиз шаҳар халқ таълими, соғлиқни сақлаш бўлимлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши, хотин-қизлар қўмитаси, ички ишлар бўлими, маҳалла фуқаролар йиғинлари билан доимий ҳамкорликда иш юритмоқда, – дейди Олмалиқ шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази раҳбари Абдурауф Актаев. – Ўтган давр мобайнида аҳолини, шу жумладан, иш билан банд бўлмаган ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларни ишга жойлаштириш мақсадида беш марта бўш иш ўринлари ярмаркалари ташкил этилди. Ёшларга ҳамширалик иши, иқтисодчи ва ҳисобчи, муҳандис, чилангар-таъмирловчи, тикувчи-йигирувчи, қурувчи каби қатор мутахассисликлар бўйича иш ўринлари таклиф этилди.

Олмалиқда ташкил этилган меҳнат ярмаркаларида шаҳардаги 222 корхона ва ташкилот икки мингдан зиёд бўш иш ўринлари билан қатнашди. Ярмаркаларда иштирок этган талабгорларнинг минг нафардан ортиғи доимий иш ўринларига эга бўлди. Жорий йилда шаҳардаги тиббиёт коллежини битирган Фурқат Мирусмонов улардан бири.

– Ярмаркада иштирок этиб, Олмалиқ шаҳар тиббиёт бирлашмасига ўз мутахассислигим бўйича ишга кирдим, – дейди Ф. Мирусмонов. – Ёшларни иш билан таъминлашга қаратилаётган бундай эътибор ва ғамхўрликдан миннатдормиз.

**Л. СУВОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

«МАҲАЛЛА» ЖАМҒАРМАСИДА ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР



## ИЛК КОНФЕРЕНЦИЯ АНГРЕНДА ЎТДИ

**"Маҳалла" жамғармаси шаҳар ва туман бўғинларида ҳисобот-сайлов конференциялари бошланди. Дастлабки шундай конференция Ангрен шаҳрида бўлиб ўтди.**

Жамғарма шаҳар бўлинмаси кенгашининг 2006-2011 йиллардаги фаолиятига доир ҳисоботида, сўзга чиққан фаолларнинг нутқларида эришилган натижалар атрофлича ёритилиб, жамиятни модернизация қилиш жараёнидаги вазифалар, уларни амалга ошириш масъулияти ҳақида сўз юритилди. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари ободонлаштириш, маънавий-ахлоқий тарбия, ижтимоий ҳимояга муҳтож хонадонларни моддий қўллаб-қувватлаш, янги иш жойлари очиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш сингари масалаларни ҳал қилишда бевосита иштирок эта бошлади.

Ангрен – вилоятнинг йирик саноат шаҳри, ёқилғи-энергетика маркази. Уни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ишлаб чиқаришни барқарорлаштиришга жамғарманинг шаҳар кенгаши самарали таъсир кўрсатаётир. Коллежларда маданий-маърифий тадбирлар ташкил этиш, ёшларни Ватанга муҳаббат, меҳнатсеварлик, юксак ахлоқ-одоб руҳида тарбиялашда жамғарма қуйи бўғинларининг иштироки кучайиб бораётир.

Лекин делегатлар ишдаги камчилик ва нуқсонлар, ҳаёт илгари сураётган муаммоларни ҳам эътибордан четда қолдирмадилар. Маҳалла маслаҳатчилари фаолиятини кучайтириш, ижтимоий масалаларни кўриб чиқишда жамғарма фаолларининг иштирокини янада жонлантириш лозимлиги таъкидланди. Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги ўрни ва аҳамиятини янада ошириш, аҳолини, айниқса, ногиронлар, боқувчисини йўқотган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, жамоат назоратини кучайтиришдан иборат устувор вазифалар белгилаб олинди.

Конференцияда шаҳар бошқарувининг янги таркиби ва вилоят конференциясига делегатлар сайланди. Отабек Аноров бошқарув раислигига қайта сайланди.

**Жабборали СОАТОВ.**

СУРАТЛАРДА: конференциядан лавҳалар.

**Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.**





18 НОЯБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БАЙРОҒИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

## ҲУРЛИК БАЙРОҒИ

*Келажакка тикиб кўзни*
*Тайин олға юрмоғимиз,*
*Мақсад сари бошлар бизни*
*Ҳилпираган байроғимиз.*

*Мустақиллик – олий неъмат –*
*Ифтихору ардоғимиз.*
*Садоқатга этиб даъват*
*Ҳилпираган байроғимиз.*

*Бирлаштирди Темур туғи*
*Туронзамин элларини,*
*Истиқлолнинг ялови-чи,*
*Ўпар ҳурлик елларини.*

*Мустақил юрт рамзи – байроқ,*
*Қаддимиздек мағрур ва тик.*
*Қасам, дея дилда титроқ*
*Бизлар доим унга содиқ.*

*Ўзбекистон энди мудом*
*Қучоқ очгай саҳарларга.*
*Юрт байроғи берар илҳом*
*Ғалабаю зафарларга!*

**Маъмур БОЗОР АЛИ.**

## ЮРТ ТИНЧЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АСОСИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида "Маънавий баркамол ёшларни тарбиялаш – юрт тинчлигини таъминлашнинг муҳим омили" мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.**

Мустақиллик энг улуғ, энг азиз қадрият сифатида халқимизнинг маънавий юксалишида ҳал қилувчи мезон бўлиб келмоқда. Энг муҳими, мустақиллик халқимиз онгу тафаккурида туб бурилиш ясади. Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўлига кириши, айни пайтда, ўзбек халқининг маданий ҳамда маънавий-маърифий юксалиши, унинг дунё халқлари билан тенглар ичра тенг бўлиб тараққий этиши учун кенг йўл очди. Бу эса ўз навбатида юрт осойишталиги, чегаралар дахлсизлиги билан боғлиқ албатта. Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли кучларимизнинг 20 йиллик байрамига бағишланган тадбирнинг очилиши ана шу сўзлар билан бошланди.

Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда асосий эътибор Президентимизнинг "Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларининг 20 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги фармойишида белгиланган вазифаларни амалга оширишга қаратилди. Унда жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, қўлга киритилаётган ютуқлари, маънавий-маърифий, тарбиявий ишларни олиб боришда ҳамда яқин келажак ва истиқболдаги ишларнинг амалга оширилишида ҳарбий соҳа бошқарув идоралари раҳбар ходимлари олдида турган долзарб вазифалар ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

**"Туркистон-пресс".**

## МУСОБАҚА ЯКУНЛАНДИ

**Пискент туманидаги "Жанубий" автомобиль полигонида автомобиль пойгаси бўйича Ўзбекистон чемпионати якунланди.**

Мусобақада Тошкент шаҳри ва вилоятлардан 40 нафар спортчи иштирок этди.

Ўзбекистон миллий автомобиль федерацияси ҳамда Республика техник ва амалий спорт турлари маркази ҳамкорлигида ташкил этилган беллашувларда спортчилар учта класс бўйича ўзаро куч синашди. Шахсий биринчилик баҳсларида биринчи классда Тошкент шаҳар вакиллари Александр Цой, Илия Ледоских биринчи ва иккинчи ўринларни қўлга киритган бўлса, Самарқанд вилояти вакили Арслон Сафаров маррага учинчи етиб келди. Иккинчи класс автомобиль баҳсларида пойтахт вакиллари Игор Газиянц, Ислом Алиакбаров, Марат Мухаммедовга тенг келадиган рақиб топилмади. Миллий автомобиль классида ҳам тошкентлик Жаҳонгир Ерматов, Темур Умуркаев, Руслан Жумаев ғолиб бўлди.

**ЎзА.**

## ИШОНЧ МАСЪУЛИЯТИ

***Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳузуридаги назорат шўъбаси ва депутатлар хонаси иш тажрибасидан***

Мустақиллик йилларида қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат ва ислоҳотларни босқичма-босқич ва изчил амалга ошириш халқ вакиллик органлари ташаббускорлиги ва депутатлар фаоллигини кучайтириш сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишни жадаллаштирувчи қудратли омилга айланиб бормоқда. Давлатимиз раҳбари "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да кўрсатиб ўтганидек, бу "Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқаришлари, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда".

Бу жараёнларда халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари, сиёсий партияларнинг



улардаги депутатлик гуруҳлари ҳамда доимий комиссиялари фаоллашиб, ижтимоий-иқтисодий, маданий ва бошқа масалаларни тезкорлик билан кўриб чиқиш ва ҳал этишга таъсири кучайяпти, халқ вакиллари қонунлар, фармон ва қарорлар ижросини таъминлашга тобора самарали таъсир кўрсатмоқдалар.

### ҲАР БИР ДЕПУТАТ ФАОЛИЯТИ – ЭЪТИБОРДА

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши, вилоят ҳокимлиги илғор тажрибаларни ўрганиш ва ёйиш, ижро интизомини мустаҳкамлаш, депутатлар ташаббускорлигини кучайтиришни кўзлаб, маҳаллий кенгашлар, депутатлик гуруҳлари, доимий комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштиряпти. Вилоят Кенгашида ташкил этилган депутатлар хонасида жорий ва истиқболли режалар асосида олиб борилаётган ишлар бунинг яққол далилидир.

– Бугун депутатлар хонасида депутатлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган барча қонун ва қонуности ҳужжатлар билан танишиш, тегишли маслаҳат, йўл-йўриқ ва ёрдам олиш мумкин, – дейди Назорат шўъбаси мудири Саидакбар Убайдуллаев. – Биз барча босқич вакиллик органларида олиб борилаётган ишлар мониторингини ўтказиб, депутатлар ўз саъй-ҳаракатларини жонлантиришларига кўмаклашмоқдамиз. Зарур ҳолатларда халқ депутатлари кенгашларидаги доимий комиссиялар фаолиятини ўрганиб, тегишли маслаҳатлар бермоқдамиз.

Депутат хонасида Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 60, туман ва шаҳар кенгашларининг 661 депутати, халқ вакиллик органлари доимий комиссияларининг аъзолари кундалик фаолияти, муайян муддатларга доир ҳисоботлар билан танишиш мумкин. Шунингдек, Халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашлари депутатлари ҳамда доимий комиссиялари фаолияти ҳақида ҳам шундай маълумотлар олиш мумкин.

Бу ерда вилоят Кенгаши депутатлари навбатчилик қилишади. Улар кундалик ишга доир саволларга жавоб, зарур маслаҳатлар беришади. Доимий комиссияларнинг мажлислари шу ерда ўтказилади. Депутатлар вилоят Кенгаши сессиялари ҳужжатлари, қонун ва қарорлар билан танишиб, уларнинг ижроси устидан депутатлик назоратига доир ишларни режалаштирадилар.

(Давоми 2-бетда).

СУРАТДА: назорат шўъбаси мудири Саидакбар Убайдуллаев (ўнгда) Ўрта Чирчиқ туман ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари Умид Шоумаровга ҳужжатлар билан ишлаш юзасидан маслаҳат бермоқда.

**2012 йил учун ОБУНА давом этмоқда. «Тошкент ҳақиқати» газетаси индекси – 205.**

ХАЙРИЯ КЕЧАСИ

## ФАХРИЙЛАРГА ЭҲТИРОМ

**Вилоятимиз шаҳар ва қишлоқларида тиббиёт ходимлари куни кенг нишонланди. Куни кеча соҳа фахрийлари, пенсионер ва ногиронлар Қумовулдаги Хотира майдони ва ёдгорликни зиёрат қилишди.**



"Меҳр-шафқат ва саломатлик" жамғармаси ҳамда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси "Toshkent palas" меҳмонхонасида байрам дастурхони ёзиб, улар учун бадиий кеча ташкил этди. Ҳаваскорларнинг куй-қўшиқлари, ёзувчи ва шоирларнинг самимий табриклари йиғилганларга кўтаринки кайфият бағишлади. Вилоят врачлар ассоциацияси, соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши, "Меҳр-шафқат ва саломатлик" жамғармаси вилоят ваколатхонаси иштирокчиларни совғалар билан сийлади.

**Солижон ЖЎРАЕВ.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**

# ИШОНЧ МАСЪУЛИЯТИ

## ТАЛАБЧАНЛИК РУҲИ КУЧАЙМОҚДА

Халқ депутатлари вилоят Кенгашида ибратли анъана қарор топди. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишга оид йирик масала ва муаммолар Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, уларнинг қўмиталари билан ҳамкорликда ўрганилиб, муҳокамадан ўтказилмоқда ва тегишли қарорлар қабул қилинмоқда. Чунончи, яқинда Сенатнинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзолари билан Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари биргаликда




2011 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижросини ўрганиб чиқишди. Шаҳар ва туманларда амалга оширилаётган ишлар билан танишиш натижалари қўшма сессияда муҳокама қилинди.

Қўмита хулосалари Ўрта Чирчиқ туманида қандай акс-садо бергани Назорат шўъбасида алоҳида кўриб чиқилди. Унга халқ депутатлари туман Кенгаши доимий комиссиялари раислари, туман ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи мутахассиси таклиф қилинди. Таҳлиллар туман доимий комиссияларининг йиллик иш режасига мувофиқ олиб бораётган ишлари қониқарсиз эканлигини кўрсатди. Ишда камчилик ва нуқсонларга йўл қўяётган доимий комиссиялар раислари огоҳлантирилиб, ишни жонлантириш, режаларни белгиланган муддатларда бажариш, муқобил таклифлар бериш, туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалаларини сессия муҳокамасига киритиб боришга тааллуқли маслаҳат ва тавсиялар берилди.

**Ён дафтардаги қайдлардан:** *Тошкент вилояти юк, йўловчи ташувчилар ва автотерминаллар уюшмаси раиси, Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг саноат, транспорт, қурилиш, коммунал хўжалиги, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Муҳаммадали Каримов билан депутатнинг ташаббускорлиги хусусидаги суҳбатимиз қизиқарли кечди.*

*– Давр зиммамизга шундай масъулиятларни юкладими, ишлаш керак, янги ғояларни излаш лозим, – деди суҳбатдошимиз. – Эзгу орзу-ниятларни кўзлаб яшасанг, излансанг, интилсанг, ҳамма масалаларга ечим топиш мумкин. Чорасиз вазифа, ечимсиз муаммо бўлмайди.*

*Бўстонлиқ туманидаги 22-сайлов округи сайловчилари Муҳаммадали Каримовни иккинчи муддатга Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлигига сайлашди.*

*– Олдинги сайловдан кейин ўтган муддатда депутатимиз ўз саъй-ҳаракатлари билан аҳолининг ҳурматини қозондики, катта-кичик сайлов куни ўзи синаган, фидойи ва одил инсон эканлигига ишонч ҳосил қилган номзод учун якдил овоз берди, – деди Ғазалкентдаги 6-мактаб-интернат директори Худойберган Оролбоев.*

Назорат шўъбасида Халқ депутатлари Ангрен шаҳар Кенгаши депутатлари фаоллигини кучайтириш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Бу йиғилишга шаҳар Кенгаши депутатлари, доимий комиссиялар раислари таклиф этилди. Асосий эътибор уларнинг фаолиятини кучайтириш, бунинг учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш, ижрони қатъият билан таъминлаш, депутатлик гуруҳлари фаолиятини изга солиш, мавжуд муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган амалий таклифлар билан чиқиш лозимлигига қаратилди. Шу мақсадда депутатлар хонасини талаб даражасига келтириш, ташкилий-техник воситалар билан таъминлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Халқ депутатлари Бекобод шаҳар Кенгаши доимий комиссияларининг тўққиз ойлик фаолияти якунларини назорат шўъбаси томонидан ўрганиш шуни кўрсатдики, қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлиги, ёшлар сиёсати ва соғлом авлод, ижтимоий-маданий масалалар бўйича доимий комиссиялар сессияларда кўриб чиқиш учун долзарб масалаларни киритяпти.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Лекин муҳокама чоғида шаҳар ҳаётига оид муаммоларни ҳал этишга қаратилган масалаларни доимий комиссияларда кўриб чиқиш суст эканлигига эътибор қаратилди. Халқ депутатлари Бўка ва Бекобод туман кенгашларининг фаолияти ҳам шу тариқа ўрганилиб, муҳокама қилинди.

Албатта, бу саъй-ҳаракатлар натижасида жойларда доимий комиссиялар фаолияти жонланиб, депутатларнинг ташаббускорлиги кучайиб бораётир.

– Вилоятдаги муҳокама чоғида бизга жиддий эътирозлар билдирилди, – дейди халқ депутатлари Янгийўл туман Кенгаши қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Нуъмон Орипов. – Биз бундан тегишли хулосалар чиқариб олдик. Шу кунларда депутатларнинг фаоллиги, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида"ги Қонун талабларига риоя этилиши билан боғлиқ масалани ўрганишга киришдик. Мониторинг якунларини доимий комиссияларнинг қўшма мажлисида муҳокама қиламиз. Зарурият туғилса, навбатдаги сессия кун тартибига киритамиз.

## ВАТАН УЧУН ЯШАШ – ЮКСАК МАҚСАД

Депутатлар фаолияти доираси хилма-хил, ваколатлари кенг. Барқарор ривожланишни таъминлаш, ҳаётимиздаги муаммоларни ўз вақтида ҳал қилишда улардан самарали фойдаланиш халқ вакиллари зиммасига улкан масъулият юклайди. Афсуски, айрим депутатлар фақат ўзлари аъзо бўлган доимий комиссия иши билан кифояланмоқдалар. Натижада сайлов округидаги долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни вақтида ҳал қилиш имкониятлари чекланиб қолмоқда.

– Давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари фаолиятининг ошкоралиги, ижтимоий шериклик, жамоат назоратини кучайтиришда жонкуярлик кўрсатиш халқ вакиллари ишини самарали ташкил этишга хизмат қилади, – дейди Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Муҳайё Тўлаганова. – Бу ишларнинг ҳуқуқий асослари "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги ҳамда "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида"ги Қонунларда белгилаб қўйилган. Ўз фаолиятини амалдаги шу қонунлар асосида йўлга қўйиб, комиссиямиз депутатлар фаоллигини кучайтириш, сайлов округларида хўжалик, иқтисодий, маданий-маиший ҳаёт масалаларини ҳал этишга қаратилган тадбирлар ҳам ўтказмоқда.

Вилоят депутатлар хонасида ўтган суҳбат чоғида бу комиссия ва унинг аъзолари саъй-ҳаракатларининг турли қирраларини ойдинлаштирувчи мисоллар тилга олинди. Чунончи, доимий комиссиянинг махсус ишчи гуруҳи Ангрен шаҳри ва Оҳангарон тумани тиббиёт бирлашмаларида ҳукумат қарорларининг ижросини ўрганиб чиқди.

Депутатлар энг чекка қишлоқларда ҳам бўлишди. Умуман олганда, жойларда тиббий хизмат, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш аҳволи ёмон эмас. Лекин ўрганиш жараёнида, Оҳангарон тиббиёт бирлашмаси марказий шифохонасида ўлим ўтган йилнинг ўрганилаётган муддатидагидан бештага кўпайганлиги аниқланди. Оҳангарон шаҳри маҳаллаларида санитар-маърифий ишлар қониқарли даражада эмас. Эскириб, яроқсиз ҳолга келган айрим тиббий жиҳоз ва асбоб-ускуналардан фойдаланиш ҳоллари учрайди. Қорахитой қишлоқ врачлик пункти эски, капитал таъмирга муҳтож, сув таъминоти муаммо бўлган бинода жойлашган. Махсус комиссия Илғор, Бешкапа қишлоқларидаги врачлик пунктларида ҳам камчиликлар мавжудлигини аниқлади.

Депутатлик ўрганиши Ангренда ҳам ечимини кутаётган масалалар тўпланиб қолганлигини кўрсатди.

**Ён дафтардаги қайдлардан:** *– Биз қарорларнинг бажарилиши устидан депутатлик назорати олиб бормоқдамиз, – дейди доимий комиссия раиси Муҳаммадали Каримов. – Ишчи гуруҳи вақти-вақти билан мониторинг ўтказиб, аҳволни яхшилаш жараёнларини кузатиб турибди, амалий таклифлар киритаяпти. Депутат бутун билими, ақл-идрокини ишга солса, натижа самарали бўлаверади.*

– Биз энг чекка қишлоқ ва маҳаллалардаги аҳволни ҳам бориб кўрдик, – дейди доимий комиссия раиси Муҳайё Тўлаганова. – Ўрганиш натижалари шаҳар ва туман ҳокимликлари, тиббиёт муассасалари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари раҳбарлари иштирокида муҳокама қилиниб, камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди.

Афсуски, қарорлар ижроси устидан депутатлик назорати суст. Айрим депутатларимиз ўзлари сайланган округлардаги муаммоларни бартараф этиш билан изчил шуғулланмаяптилар.




## ФАОЛЛИК – ОЛИЙ МЕЗОН

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари Муҳайё Тўлаганова билан Зарифа Эралиева



суҳбат чоғида бир ҳақиқатни очиқ-ойдин айтишди: депутат фаол бўлмаса, унинг ўз номзоди учун овоз берган сайловчилар олдида масъуллик туйғуси сусайса, Кенгаш ўз олдида турган масалаларни самарали ҳал қила олмайди.

Дарҳақиқат, ўтказилаётган мониторинг ҳамда халқ депутатлари шаҳар ва туман кенгашлари фаолияти таҳлили ҳам шуни кўрсатмоқда.

Депутат – ўзи сайланган Кенгашнинг юраги, дейишди суҳбатдошларимиз. У ҳамиша одамлар орасида бўлиши, уларнинг дарди, ташвишини ўрганиши ва ечим топиш юзасидан амалий таклифлар билан чиқиши керак. Афсуски, баъзи депутатларнинг овози эшитилмайди.

Улар ташкилотчилик малакасини эгаллашларида жойлардаги депутатлар хоналарида олиб бориладиган ишларнинг аҳамияти катта. Бироқ, мониторинглар жараёни депутатлар билан ишлаш савияси пастлигини кўрсатди. Жумладан, Бўка тумани депутатлар хонаси, ҳатто, кўрсаткич лавҳага ҳам эга эмас. Доимий комиссияларга тегишли тўрт дона папкадаги маълумот ёки ҳужжатлар эски, 2011 йилги фаолиятга доир ҳеч қандай ҳужжату ҳисобот йўқ.

Ўрта Чирчиқда Халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари учун алоҳида хона ажратилмаган. Барча ҳужжатлар ҳокимлик ташкилий-назорат гуруҳига тегишли бир хонага жамланган.

**Ён дафтардаги қайдлардан:** *Ғазалкент шаҳрида депутатнинг ўз сайловчилари, умуман, шахсий дард ва муаммолари билан келган кишилар билан учрашувларини кузатдик.*

*– Қишлоғимиз болалари ташвишида юрибман, – деди ўзини Гавҳар Ғойибназарова дея таништирган аёл. – Улар спорт билан шуғулланишга қизиқишади. Лекин тузукроқ ўйингоҳ қуриб, жиҳозлаб берайлик десак, қўлимиз калталик қилаяпти. Катта-кичик маслаҳатлашиб, мени қабулингизга вакил қилиб юборишди. Илтимосимиз шуки, фарзандларимиз учун чоғроқ бир ўйингоҳ қуришга ёрдам берсангиз. Болаларда, айниқса, футболга қизиқиш зўр.*

*Депутат Муҳаммадали Каримов бу фикрга қизиқиб қолди, болалар оз-кўплиги, қурилиш қилиш мумкин бўлган жой, кейинчалик малакали мураббий топилиш-топилмаслигини суриштирди.*

*– Яхши, – деди у суҳбатга якун ясаб. – Маҳаллангизда мини-футбол майдончаси қуриш ва жиҳозлаш масаласи билан шуғулланамиз. Албатта, ёрдам берамиз.*

*Қабулхонага кириб келган киши дала ҳовлилари уюшмасининг раиси эканлигини айтиб, "Жигули" русумли енгил автомашина олишга ҳомийлик ёрдами кўрсатишни сўради.*

*Бу гапни эшитиб, депутат юмшоққина кулимсиради:*

*– Ука, депутат хайр-эҳсон улашувчи эмас.*

*Шунда депутатнинг қабул кунлари қанчалик мураккаб ўтишини англаб етдик.*

Вилоят назорат шўъбаси барча босқич кенгашларда депутатлар фаоллигини кучайтириш, улар ташаббус кўрсатиб ишлашларига эришиш марказига айланиб боряпти. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг саноат, қурилиш, коммунал хўжалиги, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш масалалари доимий комиссияси ишчи гуруҳи шаҳар ва туман кенгашлари депутатларининг иш фаолиятини ўрганаётганида айрим халқ депутатлари ўз вакиллик бурчларига совуққонлик ва масъулиятсизлик билан қараётганлари маълум бўлди. Улар ишчи гуруҳига ўз фаолиятларига доир ҳужжатларни тақдим эта олмадилар. Шунда доимий комиссия бевосита вилоят Кенгаши раисига мурожаат қилди. Вилоят Кенгаши раиси бу депутатлардан ишни тубдан яхшилашни талаб қилди. Натижада тегишли шаҳар ва туман кенгашларининг бу депутатлар раҳбарлик қилаётган доимий комиссиялари фаолиятида жонланиш юз берди.

## ТАШАББУСДА ХИСЛАТ КЎП

Халқ депутатлари шаҳар ва туман кенгашлари доимий комиссиялари, депутатлик гуруҳлари ташаббускорлиги, масала ва муаммоларни бартараф этишдаги иштироки борасида Халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар Кенгаши ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси аъзоларининг фаолияти ибратлидир.

– Биз шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури ижросини таъминлаш мақсадида доимий комиссиямиз фаолият йўналишларини кенгайтирмоқдамиз, – дейди унинг раиси Р. Бекбўтаева. – Доимий комиссиямиз дастур ижросини яхшилашга қаратилган долзарб масалаларни Кенгаш сессиясида кўриб чиқишга тайёрлаётир. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясидан келиб чиқадиган вазифаларнинг ижросини таъминлаш билан боғлиқ масалалар доимий комиссия мажлисларида кўриб чиқилаётир.

Ушбу комиссия аралашуви билан қисқа фурсатда ўнлаб долзарб масалалар ҳал қилинди. Жумладан, уй-жой бўлими фаолиятини ўрганиш жараёнида эгасиз уйлар аниқланиб, мақсадли фойдаланиш учун улар давлат тасарруфига ўтказилди. Шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар билан ишлаш доимий комиссияси билан ҳамкорликда бешта мактаб, Техника, Қурилиш ва коммунал хўжалиги, Саноат касб-ҳунар коллежларининг қаровсиз қолган, дарсларга қатнашмай, ишламай, вақтларини дискотека, компьютер клубларида ўтказиб юрган ёшлар аниқланиб, ўқув муассасалари масъул ходимлари ва ота-оналар иштирокида муҳокама қилинди. Маҳаллалардаги ишлаш хоҳиши бўлган фуқаролар учун бандликка кўмаклашувчи марказ билан ҳамкорликда касаначилик ва бошқа янги иш ўринлари яратишга қаратилган ишлар кучайтирилди.

Доимий комиссия уч ойда фуқароларнинг 28 та мурожаатномасини кўриб чиқди ва ҳал қилди. Нафақа, ишга жойлашиш, болани ҳомийликка олишдан тортиб, кўча чироқларини созлаш, доимий рўйхатга қўйиш сингари масалаларни ҳал қилишда депутатлар бевосита иштирок этишаётир. Доимий комиссия аъзолари қонун ва қарорлар ижросини ўрганиш жараёнларида ҳам фаол қатнашмоқдалар.

"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига биноан депутат ўзи сайланган вакиллик органи кўриб чиқиши учун ҳар қандай масала ва таклифни киритиш, уларни тайёрлаш, муҳокама қилиш, қабул қилинган қарорларни бажариш жараёнларида қатнашиш ва ижрони назорат қилиш ҳуқуқларига эга. Доимий комиссия эса, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурлари ижроси, қонун ва қарорларнинг бажарилиши юзасидан мониторинглар ўтказиб, долзарб масалаларни сессияда кўриб чиқиш учун тайёрлайди, ижрони назорат қилади. Бу ва бошқа йўналишлардаги ишлар депутатдан пухта билим ва салоҳият талаб қилади. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳузуридаги депутатлар хонаси, унинг малакали ходимлари олиб бораётган тадбирлар тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** Халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар Кенгаши депутатлар гуруҳи; Халқ депутатлари вилоят Кенгаши доимий комиссияси раисининг ўринбосари шўъба мутахассиси Мавлуда Ғаффорова ёрдамида мониторинг натижаларини умумлаштирмоқда; иш ўрганувчилар Иброҳим Сатторов билан Сирожиддин Носиров.

**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

---

**КАДРЛАР ЎҚУВИ**



# ИБРАТЛИ ТАЖРИБА ЎРГАНИЛДИ

**Ёшлар орасидан ташкилотчилик қобилиятига эга кадрларни тарбиялаб етиштириш, уларни жой-жойига қўйиш жамиятни демократик асосларда модернизациялаш, ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишнинг муҳим омилидир. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "Келажак, Ўзбекистоннинг қудрати, салоҳияти ва қай даражада ривожланиши унда истеъдодли, замонавий билимга эга, Ватанга садоқатли ёшларга қанчалик кенг йўл очиб берилганлигига боғлиқдир".**

Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари ташкилий-назорат гуруҳлари раҳбарлари ҳамда ходимларининг Зангиота туманида ўтказилган ўқув-маслаҳат кенгашида кадрларни тарбиялаш, уларнинг ишончли захирасини тайёрлаш масаласи юқоридаги талаблар асосида таҳлил қилинди, бу ишларни янада такомиллаштириш юзасидан фикрлашиб олинди. Маърузачилар ўқув-машғулоти иштирокчилари эътиборини кадрлар билан ишлашнинг ҳозирги аҳволи, ижро интизомини мустаҳкамлаш, депутатлар фаолияти самарадорлигини ошириш ҳаракатлари таҳлилига қаратишди. Барча масалалар Зангиота тумани тажрибаси асосида кўриб чиқилди.

Ўқув-машғулоти иштирокчилари туманда кадрлар билан ишлашнинг барча жиҳатлари билан батафсил таништирилди. Аслида ҳам бу борада ибратли тажриба тўпланган. Чунончи, ҳозирги кунда туман ҳокимлиги номенклатурасидаги раҳбар кадрларнинг ҳар учинчиси 30 ёшгача бўлган юқори маълумотли мутахассислар, ишлаб турган 131 раҳбарнинг 85 нафари 40 ёшгача бўлган кадрлардир. Туманда ҳар бир раҳбар ўрнига салоҳиятли ёшлар орасидан муносиб захира танланган. Улар учун ўқув-машғулотлари мунтазам ташкил этилмоқда.

Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишди.

**Жўрабек МУРОДОВ.**

СУРАТДА: ўқув-машғулотидан лавҳа.

**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

---

**ШУНДАЙЛАР БОР БЎЛСИН**

# ҲАМОН ЭЛ ХИЗМАТИДА

**Чортоқ тумани МТС бошлиғи, техника жонидили бўлган Ширинмурод уззу-кун даладан бери келмасди. Оиласи даврасида бўлган вақтида ҳам оғзидан техника тушмасди. "Болаларим, келажакда даладаги ҳамма ишларни техника бажаради. Ўқинглар, техникага қизиқинглар" дейишдан чарчамасди.**



Шунинг учун бўлса керак, қизи Лола Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари тайёрлаш (ҳозирги ирригация ва мелиорация) институтига ўқишга кирганида ҳеч ким ажабланмади. Институт йўлланмаси билан САИМЭ (ҳозирги ЎзМЭИ)га ишга келган Лола қизғин меҳнат фаолиятига киришиб кетди.

– Институт мени ўз фарзандидек бағрига олди, уй берди – дея эслайди Лола Алиқулова. – Ишни кичик илмий ходимликдан бошладим. Чўл ва яйлов ўт-ўланларидан чорва моллари учун озуқа жамғаришда қўлланиладиган янги техника воситаларини яратиш бўйича илмий иш бошладим.

Ўша пайтларда чўл ва яйловларда чорва озуқаси оддий кетмон ёрдамида тайёрланарди. Бундай йўл билан жамғарилган озуқанинг сифати паст, таннархи эса юқори бўлар, энг ачинарлиси, кетмон ўсимлик илдизини қўпориб ташларди. Оқибатда ўт-ўланларга қирон етиб, яйловларда чўлланиш жараёни кучаярди.

Чўл, яйлов ва унинг ўт-ўланларини унчалик яхши билмайдиган, эндигина турмуш қурган Лоланинг кўрган кунини кўз олдингизга келтираверинг. Шундай бўлишига қарамай, илмий даргоҳдаги фидойи олимлар, муҳитнинг яхшилиги ёш тадқиқотчининг кўнглини кўтариб турарди. Бунинг устига илмий раҳбари Н. Собликов шогирдидан вақтию кўмагини аямасди. Лоланинг тадқиқотни зўр иштиёқ билан олиб боргани, жамоа унинг илмий ишига зарур шароит яратиб бергани ўз самарасини тезда кўрсатди. Техника ижодкори қишлоқ хўжалиги кўргазмасининг бронза медали билан мукофотланди.

Лола яратган техникани чўлнинг баланд-паст ерларида ишлатиш жуда қулай эди. Бунга, ҳатто, хорижий давлатлар чорвадор мутахассислари, айниқса, немис тадбиркорлари қизиқиб қолишди.

– Диссертация ёқлаган куним ҳеч ёдимдан чиқмайди, – дейди Л. Алиқулова. – Якуний сўз беришганида бўғзимга нимадир қадалгандек бўлди, кўзларимдан дувиллаб ёш қуюлди. Ўзимни қўлга олай дейман-у, ҳеч уддалолмайман. Илмий иш деб роҳату фароғатдан воз кечиб, қишу ёз демай, чўл кезган дамларим кўз олдимдан худди кино тасмаларидек ўтаверди. Техника фанлари номзодлиги учун диссертация ёқлаганимга ҳеч ишона олмасдим.

Лола Шириновна илмий ишини яна давом эттиришга чоғланди. Бироқ, йигирма беш йиллик раҳбарлик лавозимларидан вақт орттиролмади. Бунинг эвазига фарзандлари тарбиясига зўр бериб, уларни ўқитди. Мана энди икки қизи ўз изидан борганлигидан бениҳоя хурсанд.

Лола Шириновна 75 ёшни қаршилаган бўлсада, ҳамон эл хизматида. Янгийўллик йигирма мингдан зиёд нуронийларга бош-қош. Шу билан бирга туман "Маҳалла" жамғармаси маҳалла раисларининг маънавий-маърифий ва диний ахлоқ масалалари бўйича маслаҳатчилари кенгаши раисаси. Шундай ҳормас-толмас, фидойи инсонлар бор маҳаллаларда тинчлик, осойишталик бўлиб, турмуш гўзаллашиб бораверади.

**Аҳмаджон РИХСИБОЕВ.**

XXI аср ва дунё

## НАРКОКАРТЕЛЬ ЕТАКЧИСИ ҚЎЛГА ТУШДИ

**Reuters маълумотларига қараганда, "Команданте Чапарро" номи билан машҳур бўлган Ариспедан ташқари унинг икки ёрдамчиси ҳам ҳибсга олинди. Гумондорлардан саккизта автомат, тўппонча, шунингдек, анчагина ўқдори ва алоқа воситалари тортиб олинди.**

Ҳарбий ҳаво кучлари ходимлари Арispени ҳибсга олганларидан сўнг зудлик билан яна бир махсус операцияни амалга оширдилар. Кадерейта музофотида жиноий фаолият билан шуғулланишда гумон қилинаётган яна икки киши ушланди.

Ҳукуматнинг таъкидлашича, қўлга туширилганларнинг ҳаммаси "Зетас"нинг битта гуруҳидан. Мексика ҳукумати октябрь ойида 52 кишининг ҳаётига зомин бўлган кучли портлаш содир этганликда гумон қилинаётган тўрт нафар "Зетас" аъзосини қўлга туширган эди.

"Зетас" Мексикадаги энг йирик ва кучли таъсирга эга жиноятчи ташкилотлардан бири ҳисобланади. Картель вакиллари гиёҳвандлик моддалари билан савдо қилишдан ташқари таъмагирлик, одам ўғирлаш ва ўлдиришда гумон қилинмоқда.

## МАРИО МОНТИ – ИТАЛИЯ БОШ ВАЗИРИ

**Reuters агентлиги Еврокомиссиянинг собиқ комиссари Марио Монти Италия бош вазири лавозимини эгаллагани ҳақида хабар тарқатди.**

Мамлакат президенти Марио Монтига янги ҳукумат таркибини тузишни топширди. Уч марта – 1994, 2001 ва 2008 йилларда бош вазир лавозимини эгаллаган Сильвио Берлускони истеъфога чиқди.

Associated Press агентлигининг таъкидлашича, янги бош вазир зудлик билан ҳукуматни шакллантиришини маълум қилди. 68 ёшли иқтисодиёт профессори, Милландаги нуфузли университет декани бўлган Монти журналистлар олдида сўзга чиқиб, Италия биргаликда куч-ғайрат сарфлаб, қарздорлик таназзулидан халос бўла олишини айтди.

AFP агентлигининг қўшимча қилишича, Евроиттифоқ Италиянинг миллий бирлик ҳукуматини тузишга қаратилган қадамларини қутлади ва бу мамлакатда кечадиган ислоҳотларни синчиклаб кузатишни ваъда қилди.

Эслатиш жоизки, 8 ноябрь куни Италия парламентининг қуйи палатасида кўпчилик овоздан маҳрум бўлгач, Берлускони истеъфога чиқишга қарор қилди. Унга нафақат мухолифатчилар, балки ўзи аъзо бўлган "Озод халқ" партиясининг айрим вакиллари ҳам қарши чиқишди.

НИГОҲ

# МИЛЛАТЛАРАРО ҚАРАМА-ҚАРШИЛИК ЎЧОҒИ

**Тожикистон ва Қирғизистоннинг чегара туманларидаги бугунги ҳаёт тарзи тобора тиғизлашиб бораяпти. Қирғизистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг ноҳақ хатти-ҳаракатлари сабабли чегара қишлоқлари аҳолиси азият чекмоқда.**

Боткент тумани ички ишлар бўлими ходимларидан бирининг ножўя хатти-ҳаракати қирғиз-тожик чегара милициясида жанжалли вазият юзага келишига сабаб бўлди. Жанжалда ҳар икки мамлакат фуқаролари иштирок этишди. Тожикистоннинг Сўғд вилояти Исфара туманидаги "Чорку-Октябрь" автойўлида Қирғизистоннинг Боткент тумани Кектош шаҳарчаси ҳудудидан транзит йўли билан Тожикистон фуқароси бошқарувида ўтиб бораётган "Ауди-100" автомашинаси Боткент туман ички ишлар бўлими Самарқандлик шаҳарчаси участкаси нозири лейтенант Нурғози Келдибеков томонидан текширув учун тўхтатилди. Ваҳоланки, транспортни текшириш участка нозирининг ваколатига кирмайди. Оқибатда нозирнинг тожикистонлик фуқарога нисбатан ноҳақ муносабати ўртада жанжал чиқишига сабаб бўлди. Жанжал муштлашувга айланди. Натижада тожикистонлик фуқаро жабр кўрди.

Шундан кейин ҳам Н. Келдибеков тинчимади – ҳайдовчидан транзит йўлида ҳаракатини давом эттириши учун пул талаб қилди. Бунга кўнган ҳайдовчи лейтенант талаб қилган миқдордаги пулни топиб келиш учун ҳайдовчи гувоҳномаси ва машинасини гаровга қолдириб, Исфара тумани Чорку шаҳарчасидаги уйига келди. Аламзадалиги боис 30 га яқин маҳаллий аҳолини тўплаб, чегарада юз берган воқеани айтиб берди. Келдибековнинг мушти етказган жароҳатлари ва йиртилган кийимларини кўриб, ҳамқишлоқлари ғазабга тўлиб, тожик-қирғиз чегарасига йўл олишди. Улар ўйлаб-нетиб ўтирмай, Қирғизистонга тегишли автомашинани тўрт фуқароси билан гаровга олишди.

Қирғизистонлик 200 га яқин фуқаро Кектош қишлоқ фуқаролар йиғини биноси олдида тўпланиб, гаровга олинган ҳамқишлоқларини озод этишни талаб қилишгач, жанжалли вазият кенг тус олиб, янада таранглашди. Муаммони ҳал этиш ва жанжалнинг олдини олиш мақсадида ҳар икки томондан амалдорлар келишди. Узоқ баҳс ва музокаралардан сўнг гаровга олинган қирғизлар ва уларнинг машиналари Тожикистон фуқаросининг автомобили ва ҳайдовчилик ҳужжатларига алмаштирилди.

Биргина қонун ҳимоячисининг очкўзлиги охири нима билан тугашини билиб бўлмайдиган тўполонга сабаб бўлишига бир баҳя қолди. Бу қарама-қаршилик жараёнида қурбонлар бўлиши мумкин эди-ю, аммо ғолиблар бўлмасди.

Шу воқеалардан сўнг бир неча кун ўтиб, тожиклар қирғиз чегарачиларининг Тожикистон фуқароларига қўпол муносабатига жавобан бир неча қирғизни калтаклашди. Қирғизистоннинг Қорабоғ қишлоғи аҳолиси агар Тожикистон томони гиёҳванд моддалар контрабандасида айблаб ҳибсга олинган ҳамқишлоқларини қўйиб юбормаса, Исфара-Лаккан автойўлини беркитиб қўйишларини маълум қилди...

Бундай қарама-қаршилик ҳар куни давом этиши ва қонли тўқнашувларга олиб келиши мумкин. Ҳукуматга ишонмай қўйган одамлар эндиликда анархия "таъмини тотиб" кўришди. Уларнинг фикрича, қўшниларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларига қарши шундай йўл билан жавоб қайтариш мумкин.

"Жанжаллар зонаси аллақачон маълум бўлиб улгурган", – дейди Боткент вилоятининг Оқсой айил округи жамияти бошлиғи Т. Ибраимов. У ташқаридан келувчиларга Тожикистоннинг қўшни Хўжаи Аъло қишлоғида тўхтамасликни маслаҳат бериб, тожик-қирғиз чегарасидаги участкада ер ва сув ресурсларига эгалик ҳуқуқи масаласига оид жанжаллар кучайиб бораётганидан огоҳ қилади. Ушбу ресурсларга лимит бекор қилинмаган. "Ҳар йили суғориш мавсуми келиши билан анъанавий муаммолар қайтадан бошланади" дейди у.

Икки мамлакат чегараларидаги ҳудудда Тожикистон ва Қирғизистон қишлоқлари гўё "бошбошдоқлик" ўйинини ўйнашаётгандек. СССР парокандаликка юз тутгач, чегаранинг 971 километр масофага чўзилган қисми баҳс ва тортишувлар маконига айланди. Энди этник тожиклардан иборат аҳоли ўзларини Тожикистоннинг бир қисми, қирғиз аҳолиси эса Қирғизистоннинг бир қисми ҳисоблашмоқда. Муносабатлар таранглашиб, миллатлараро хайрихоҳлик эса сусайиб бораяпти. Қирғизлар тожикларни Қирғизистон мулкини ноқонуний сотиб олиб, шу орқали Тожикистон ер-мулкини кенгайтиришда айбламоқдалар. Бундан ташқари, уларнинг айтишларича, тожиклар шундоқ ҳам тақчил бўлиб турган сувни ноқонуний олишяпти.

Маҳаллий аҳолининг гапига қараганда, Тожикистон ўз ер-мулки чегараларини кенгайтириш мақсадида Қирғизистон ерларини сотиб олаяпти. "Қирғизлар ўз ерларини сотмоқчи бўлишлари биланоқ шу заҳоти тожиклар пайдо бўлишади ва қирғизлар қанча ҳақ сўрашса, шунча пул беришади, савдолашиб ўтиришмайди", дейди Т. Ибраимов.

Т. Ибраимовнинг фикрича, Оқсой айил округидаги энг сержанжал зона Тожикистоннинг Чорку аҳоли истиқомат жойига яқин Кара участкаси ҳисобланади. "Бу ҳудудни ҳар икки томон ўзиники ҳисоблайди", – дейди у. Эски канал ёнида жойлашган бу участкада Т. Ибраимов ва Қирғизистоннинг бошқа аҳолисининг фикрича, сув танқис ва қурғоқчил бўлишига қарамай, қишлоқ хўжалиги гуллаб-яшнаётгани тожиклар сувни ўғирлашаётганига яққол далилдир.

Исталган вақтда миллатлараро "кичик" уруш чиқиб кетиши мумкин бўлган бундай нуқталар икки мамлакат чегара зоналарида жуда кўп. Бишкек ва Душанбе ўзаро келишишлари ва у ёки бу жиҳатдан бир-бирларига ён босишлари лозим. Аммо, ҳамма муаммо шундаки, расмий ҳукуматлар бу масалани, ҳатто, кўриб чиқишни ҳам истамайдилар, муаммони ҳал этишни "халқ дипломатияси"га ташлаб қўйишган.

Бошқа жиҳатдан қараганда, "Душанбе ва Бишкекдаги ҳукуматлар вазиятни тинчитишдан манфаатдормилар ўзи?" деган савол ҳам жуда ўринли. Аммо, уларнинг нияти бошқача кўринади. Демак, Бишкек ҳам, Душанбе ҳам Боткент вилоятида тожик-қирғиз муносабатларидаги хавф-хатар ўчоғи тобора қизиб боришидан манфаатдор дейиш учун ҳамма асослар бор. Хатарли ўчоқда қизиб турган олов ловуллаб ёнгандан сўнг эса, ҳар икки томон бир-бирларини айблашлари ва жавобгарликни бир-бирларининг зиммаларига юклашлари учун имкониятлар етарли бўлади.

**Андрей ОВЧИННИКОВ.**
**www.centrasia.ru.**

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

«ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ – 2011»

# «ПАХТАКОР» – ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ СОҲИБИ

**Тошкентнинг "Пахтакор" жамоаси ўн биринчи маротаба Ўзбекистон кубогини қўлга киритди**



Ўзбекистон Профессионал футбол лигаси томонидан ташкил этилган мамлакат кубоги миллий чемпионатимиз олий ва биринчи лига жамоалари учун Осиё чемпионлар лигасида иштирок этиш ҳуқуқини берадиган мусобақалардан биридир. Шунинг учун ҳам мазкур турнирнинг ҳар бир учрашуви кескин ва муросасиз курашларга бой бўлади.

Бу йилги мусобақанинг ҳал қилувчи беллашувида Тошкентнинг "Пахтакор" ва Қаршининг "Насаф" жамоалари ўзаро куч синашди. Учрашувнинг дастлабки дақиқаларидан ҳужумга зўр берган пойтахтлик чарм тўп усталари бешинчи дақиқадаёқ рақиб дарвозасини ишғол қилди. Истеъдодли ёш ҳимоячи Даврон Ҳошимов бошлаган комбинацияни Иракли Климиашвили самарали якунлаб, ҳисобни очди. Биринчи бўлим ўрталарида Александр Клецков Шерзод Каримов оширган тўпни боши билан "Насаф" дарвозаси тўрига жойлаб, жамоасининг иккинчи голини киритди.

"ОФК кубоги – 2011" ғолиби – "Насаф" аъзолари ўйиннинг иккинчи ярмида вазиятни ўнглашга ҳаракат қилган бўлса-да, "Пахтакор"нинг мустаҳкам ҳимоясини ёриб ўтишнинг имконини тополмади. Аксинча "Пахтакор" вакиллари 80-дақиқакада рақиб дарвозасини учинчи маротаба аниқ нишонга олди. "Насаф" ҳимоячилари хатосидан унумли фойдаланган Дилшод Шарофиддинов тўпни Иракли Климиашвилига узатди. Грузиялик легионер эса рақиб посбони Дмитро Казаченкони доғда қолдириб, ўзининг финалдаги иккинчи тўпини киритди.

"Пахтакор" ҳимоячилари сўнгги дақиқада хатога йўл қўйди. Акбар Исматуллаев рақиб ҳужумини қайтариш чоғида ўз жарима майдончасида ўйин қоидасини бузди. Учрашувни бошқарган ФИФА рефериси Равшан Эрматов томонидан белгиланган пенальтини аниқ бажарган Жаҳонгир Жиямуродов ҳисобдаги фарқни биттага қисқартирди.

Шундай қилиб, кескин ва муросасиз курашларга бой бўлган финал учрашуви 3:1 ҳисобида "Пахтакор" фойдасига ҳал бўлди.

Ўзбекистон кубоги "Пахтакор" жамоасига топширилди.

Энди "Пахтакор" мамлакат кубоги соҳиби сифатида келаси йили Осиё чемпионлар лигасида юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

«ОЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИ – 2012»

**Франциянинг Париж шаҳрида оғир атлетика бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида дунёнинг тўқсондан зиёд давлатидан 550 нафар атлет совринли ўринлар ва келгуси йили Лондонда бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпия ўйинлари йўлланмалари учун куч синашди.**



# ЯНА БЕШТА ЙЎЛЛАНМА НАҚД!

Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантириш, ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб вояга етказишга қаратилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрлик самарасида оғир атлетика ҳам жадал ривожланмоқда. Ўзбекистонлик оғир атлетикачилар қитъамиздаги энг кучли жамоалардан ҳисобланади.

Юртимиз оғир атлетикачиларининг Олимпия ўйинларига муносиб тайёргарлик кўришида давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 5 январда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳри (Буюк Британия)да бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ва XIV Паралимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида"ги қарори ва мазкур ҳужжат ижросини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилган уч босқичли дастур муҳим омил бўлмоқда. Спортчиларимизнинг замонавий меъёрлар асосида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиши, тажриба ва маҳоратини ошириши, мусобақаларга тайёрланиши ва уларда муносиб қатнашиши учун барча шароит яратилмоқда.

Халқаро оғир атлетика федерацияси қарорига кўра, Лондонда бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпия ўйинлари йўлланмалари терма жамоаларнинг 2010-2011 йилги спорт мавсумида оғир атлетика бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатларида жамғарган очколарига қараб берилади. Оғир атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ўтган йили Туркиядаги жаҳон чемпионатида 116 очко тўплаган эди.

Париждаги жаҳон чемпионатида эса ҳамюртларимиз 75 очкони қўлга киритди. Чемпионатнинг вазни 94 килограмм бўлган спортчилари баҳсида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган оғир атлетика бўйича ўсмирлар ўртасида Осиё чемпиони Руслан Нуриддинов штангани силтаб кўтаришда 221 килограмм натижа қайд этиб, кумуш медални қўлга киритди. Истеъдодли спортчимиз штангани даст кўтаришда 177 килограмм, икки кураш натижасига кўра 398 килограмм кўрсаткич билан бешинчи ўринни эгаллади.

Спортчиларимиздан Руслан Макаров, Иван Ефремов, Шерзод Юсупов, Руслан Алпанов, Ғиёсиддин Аҳмедов, Баҳром Мендибаев ва Муҳаммад Бегалиев қайд этган натижалар ҳам терма жамоамизнинг муҳим очколарни жамғаришига хизмат қилди.

Шундай қилиб, ўзбекистонлик оғир атлетикачилар иккита жаҳон чемпионатида 191 очко тўплаб, Лондон Олимпиадасининг бешта йўлланмасига эга бўлди.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири.**

ОДАМИЙЛИК ШЕВАСИ

# ҚЎЛИ ОЧИҚ ОДАМ

Шаҳарга элтувчи йўлнинг қишлоқдан чиқаверишдаги муюлишида Адҳам ошпаз исмли анойи одам яшайди. Табиатан вазмин, камгап, сўзлаганда ҳам етти ўйлаб бир айтади. Аммо қўли очиқ, каттага ҳам, кичикка ҳам бирдек муомала қилади. Бирор кишининг ҳожатини чиқараётганида юзидан нур ёғилиб, қўлини кўксига қўйганча, бир пиёла чойга таклиф этади.

Маҳаллада тўй-маъракка бўладими, бирор йиғин ўтказиладими, Адҳам ошпаз ҳозиру-нозир. Палов дамласа, гуручини ўрмалатиб юборади. Пиширган шўрвасига чўмич ботмайди.

Ошпаз рўзғоридан ортириб, бир-иккита қозон-ўчоқ сотиб олган, замонавий титан ҳам шу хонадондан топилади. Лекин бу анойи одам уйидаги буюмларни тўй-ҳашам қилаётган маҳалла аҳлига шундоқ бериб юбораверади. Фақат қаттиқ тайинлайди:

– Азизжонлар, ҳожатингиз битдими, уйда ортиқ очиқ-сочиқ тутиб турманглар, дарров қайтариб келинглар. Сўраб келувчиларнинг сазаси ўлмасин, дейман-да...

Бошида бу ҳожатбарор одамни маҳалланинг ёшяланглари билиб билмай, хафа қилишди. Қозон-ўчоқни ювиб, тозалаб келтириб жойига қўйгач, енг ичида уй соҳибига пул узатишди. Бундан ошпаз астойдил ранжиди:

– Мен савоб ишни пулга сотмайман, шундай қилсангиз қайта бирор нарса сўрасангиз, зинҳор бермайман, – деди.

Ҳожати битган одам ҳайрону лол қолади. Бундай қўли очиқ одамга бот-бот миннатдорчилик билдирганча, хайрлашади.

# АНТИҚА ЯХШИЛИК

Шермат даллол девордармиён қўшнисининг мутлақо акси. У чўлтоқ супургисини ҳам кўчага бекорга чиқармайди. Ўн-ўн беш чоғли лаганни ҳам, оқ дастурхонликни ҳам, боринг-ки, ёғоч қошиқдан тортиб санчқини ҳам қўни-қўшнига, маҳалла аҳлига ижарага чиқаради. Ижара ҳақини қуртдек санаб олиш билан иш битса гўрга эди. Мана бу лаганнинг чети учибди, дастурхон доғ бўлибди, санчқининг битта илгичи қийшайибди, яхшиликка ҳеч қачон яхшилик қайтган эмас, энди уч баробар ҳақ тўлайсан, деб мижоз билан кунда можаро. Бундай кўнгилсизликлар ҳар сафар табиийки, шу "яхшилик" қилаётган даллолнинг фойдасига ҳал бўлади. Зиқналик ва майдакашликдан тоқати тоқ бўлган мижоз ижарачининг ҳамма шартларига рози бўлади. Беш-ўн сўм ортиқча пулни девонага хайр қилгандек, даллолнинг аллақачон ташлаб юборса бўладиган сур сопол товоғига ташлаганча, кўздан ғойиб бўлади.

Қизиқ, юқоридаги қўли очиқ ошпаз билан ижарадаги моллари устидан лўлилик қилиб бўлса-да, уч-тўрт сўм ортиқча пул топиб, ўзини овутиб яшаётган даллолни бир-бирига қиёслаб бўлармикан? Улар дарёнинг икки қирғоқига ўхшайдилар. Қаранг, аслида улар бир ариқдан сув ичадилар, бир ҳаводан нафас оладилар. Тўй-маъракаларга бирга бориб, бир лагандан ош ейдилар, бир чойнакдан чой ичадилар.

Юртчилик экан, бундай тўй-ҳашамлар сероб. Лаган, чойнак, дастурхонга эҳтиёжмандлар ҳам кўп. Улар билан куно-ра-кунда даллолникида можарою тортишувлар авж олаверади. Бир девор ортида – ошпазнинг саришта хонадонида беминнат саховатдан одамларнинг кўнгиллари бамисоли баҳорий чечаклар янглиқ ўсаверади. Нега шундай?... Инсонни тугал билиб бўлмаганидек, бу савол ҳам ўз-ўзидан жавобсиз қолаверади...

**Собиржон ИНОМОВ.**

**Тошкентда аллергик хасталиклар диагностикаси, уни даволаш ва олдини олиш масалаларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.**

# АЛЛЕРГИЯ ҲАМ КАСАЛЛИКМИ?

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги илмий-ихтисослашган аллергология маркази томонидан ташкил этилган тадбирда соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, шифокорлар малакасини ошириш борасидаги чора-тадбирлар атрофлича муҳокама қилинди.

Анжуманда аллергологик хизматнинг ютуқлари, соҳадаги айрим камчиликлар, жумладан, замонавий диагностика ва даволаш аппаратларининг етишмаслиги, амалиёт шифокорларининг малакасини ошириш бўйича айрим масалаларга алоҳида тўхталинди.

Аллергология ва фармокотерапия илмий ютуқларини янада кенгайтириш, илмий адабиётлар сонини кўпайтириш каби долзарб вазифалар иштирокчилар диққат марказида бўлди. Тадбирда касаллик профилактикасига қаратилган дори маҳсулотларининг кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

**Наргиза АСАДОВА,**
**"Туркистон-пресс".**

РАССОМ ХАНДАСИ




Тошкент шаҳар Сергели туманида рўйхатдан ўтган "AZIZA-DARMON" хусусий корхонаси (реестр № 000111-06, ИНН 200640092) Чилонзор туманида рўйхатдан ўтган "ELJIHOZTA'MINOT" МЧЖ (реестр № 006859-08, ИНН 201201811) таркибига қўшилмоқда. Даъво ва аризалар бир ой ичида Тошкент ш., Наққошлик кўчаси, 2-уй манзилида қабул қилинади. Тел.: 279-55-57.

Миробод тумани ТСРЎИ томонидан № 005182 рақами билан 13.04.2011 йилда рўйхатдан ўтган "ZABIULLOH KARIM" (ИНН 301738037) масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО "RUBBER-PLAST BUSINESS" (ИНН 301745550) уменьшает свой уставной фонд с 700 000 000 сумов до 85 000 000 сумов.

"BO'G'IRSOQ SAVDO" МЧЖнинг устав фонди 29 532 093 сўмдан 2 300 000 сўмга камайтирилганлигини маълум қилади.

Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан 13.12.2010 йилда 004090-01 реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган "PRESTIGE-FOOD" (ИНН 301754438) масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган бир дона бурчак тамға йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Адвокатское бюро "ASTREA SOLUTION" (ИНН 205850058), зарегистрированное Управлением Юстиции г. Ташкента в 19.08.2009 году за реестр. № 347, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (решение учредителя № 1 от 15.11.2011 г.). Претензии принимаются в течение 2-х месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 745-00-27.

ООО "SIDDIQ-INVEST" (ИНН 300291802, ОКПО 21561777), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Юнусабадского района г. Ташкента, расположенное по адресу: Ц-6, д. 88, кв. 62, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол собрания № 1 от 14.11.2011 г.). Претензии принимаются в течение одного месяца с момента опубликования данного объявления по тел.: (+99897) 769-65-50.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
**Телефонлар:**
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир Жўра САЪДУЛЛАЕВ
Навбатчи Юлдузхон МУҲИДДИНОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-1142. Адади 6564. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.10. 12345